

УМУМИЙ ВА ХУСУСИЙ ИНКОР ТИПОЛОГИЯСИНИНГ ТИЛЛАРДАГИ  
КОММУНИКАТИВ-СЕМАНТИК ЖИҲАТЛАРИ

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7568394>



ELSEVIER



Received: 22-01-2023

Accepted: 22-01-2023

Published: 22-01-2023

Хамрақулова Фарида Мамасолиевна

Андижон давлат чет тиллари институти  
Француз тили назарияси ва амалиёти  
кафедраси уқитувчиси

Патидинова Маржона Мурожиддин қизи

Иқтидорли талаба



**Abstract:** Мазкур мақолада инкор категориясининг тиллардаги функционал -типологик жиҳатлари ҳусусида сўз юритилади

**Keywords:** коммуникатив бирлик, инкор, тасдиқ, ахборот манбаи, предикативлик, лексик тармоқланиш,

**About:** FARS Publishers has been established with the aim of spreading quality scientific information to the research community throughout the universe. Open Access process eliminates the barriers associated with the older publication models, thus matching up with the rapidity of the twenty-first century.



Received: 22-01-2023

Accepted: 22-01-2023

Published: 22-01-2023

**Abstract:** В данной статье рассматриваются функционально-типологические аспекты категории отрицания в языках

**Keywords:** коммуникативная единица, отрицание, утверждение, источник информации, предсказуемость, лексическое разветвление

**About:** FARS Publishers has been established with the aim of spreading quality scientific information to the research community throughout the universe. Open Access process eliminates the barriers associated with the older publication models, thus matching up with the rapidity of the twenty-first century.



Received: 22-01-2023

Accepted: 22-01-2023

Published: 22-01-2023

**Abstract:** This article discusses the functional and typological aspects of the category of negation in languages

**Keywords:** communicative unit, negation, assertion, source of information, predictability, lexical branching,

**About:** FARS Publishers has been established with the aim of spreading quality scientific information to the research community throughout the universe. Open Access process eliminates the barriers associated with the older publication models, thus matching up with the rapidity of the twenty-first century.

Инкор категориясининг тиллардаги функционал типологик жиҳатлари гапда ўз аксини топади, зеро гап нутқда индуктив ва дедуктив аломатлар кирраларини тўла-тўқис намоён этиш қурбига кодир бўлиб, у ахборот ташувчи коммуникатив бирлик экани билан ажралиб туради [1.15].

Гап тилининг минимал коммуникатив бирлиги ҳисобланиб, нутқда номинатив ва коммуникатив вазифаларни бажаради. Гапнинг коммуникатив вазифаси маълум вазиятни гап орқали номланишида намоён бўлса, унинг коммуникатив вазифаси уни ахборот воситаси бўлиб хизмат қилишида кузатилади. Демак, гап муайян ахборот манбаи ҳамда мулоқот учун ахборот таъминоти воситасидир. Ўз навбатида ахборот объектлар, объектларнинг аломатлари ва улар ўртасидаги муносабатларнинг мавжуд экани ёхуд мавжуд эмаслиги ҳусусидаги тасдиқловчи ёки, аксинча, инкор этувчи маълумот, демак. Ахборот таркибидан ўрин олган тасдиқ ва инкор ўзаро бир-бири билан боғланган тил ходисаларидир. Шу боис улар эътироф этган инвариант

тушунчаси асосида ўзаро боғланган бир қатор карама-карши маънолар доирасида кузатилади: ҳаракат - ноҳаракат, борлиқ-йўқлик, мавжудлик-мавжуд эмаслик, мансублик мансуб эмаслик ва б.

Ҳар қандай ходиса, унинг аломатлари тилда тасдиқ этиш ёки инкор этиш орқали тасвирланиши мумкин. Тафаккур жараёни борлиқни бўлиб, ажратиб, парчалаб акс эттириши билан боғлиқ. Шунда ундаги объектлар ва уларнинг сифатлари ажратилади. Албатта, бу вазият гапда субъект ва предикат муносабатида акс этади. Тасдиқ ёхуд инкор асосига кўрилган ушбу муносабат предикация жараёнини акс эттиради. Бинобарин, инкорнинг категориал аломатлари гапда шаклланиб, ахборот занжирига уйғун, изчил тарзда уланади. Мадомики, инкорнинг категориал қирралари гапда бевосита маълум нутқ вазияти билан узвий боғлиқ бўлади. Нисбий фикр тугаллигига эга ҳамда маълум ахборот манбаи саналган гапнинг нутқ вазиятига муносабатига кўра умумий ва хусусий инкор кўринишлари ажратилади. Умумий ва хусусий инкор аломатлари семантик ҳамда шакл жиҳатдан ўзаро қиёсланиши, таққосланиши, айнаи чоғда ўзаро тафовутланиши хусусиятига эга экани бежиз эмас. Чунки, инкор категориясининг ифодадаги ушбу жиҳатлари мазмун ва ифода планлари ўзаро муносабатларнинг умумлашган ҳамда фарқли жиҳатларини акс эттиради.

Инкор типологияси ифодасининг мазмун плани доирасида умуминкор маъно ҳамда хусусий инкор маъно кўринишлари ажратилади [2.44]. Биринчи инкор маъно предикатив аломат инкор воситасида бутун бир вазият инкорини акс эттиради. Иккинчи инкор маъно эса нутқ вазиятининг маълум бўлаги билан боғлиқ аломат хусусияти инкорини белгилайди. Инкор синтаксиси доирасида умумий инкор тўлиқ инкор ахборот фактига тааллуқли бўлиб, предикатив алоқага асосланган эга кесим муносабатида кузатилади. Хусусий инкор эса алоҳида гап бўлаклари доирасида кузатилиб, ҳукм айрим тушунча бирликлари билангина боғлиқлиги билан ажралиб туради. Ушбу фарқ кузатилаётган тиллар фактларида ўзига хос тарзда намоён бўлади. Фикримиз тасдиғи сифатида тиллардан олинган мисолларга муурожаат этамиз:

Инглизча: 1. They don' t throw bombs there (Graham Green. The quite american, p.37). 2. ... по one spoke in the room (Peter Abrahams. The path ofthunder, p. 103).

Русча: 1. Она не собиралась сдаваться и сейчас. 2. Это было не настоящая Тара (Александра Реплей. Скарлетт, стр. 27, 34).

Ўзбекча: 1. Мен унинг гапларини чидам билан эшитдим, гапига гап кўшмадим. 2. Дидсиз одамларнинг уй-жой тутиши куриб кетсин (Шукрулло. Оғир кунлар севинчи, 10, 25 бетлар).

Қиёсланаётган мисолларнинг 1 ва 2 си инглиз тилидаги умумий ва хусусий инкор фаркни кўрсатиб берса, 3 ва 4 мисоллар рус тилидаги фаркни очиб беради ва, нихоят, 5 ва 6 мисоллар ўзбек тилидаги фаркни намоён этади. Бутун нутқ вазиятига тааллуқли умумий инкор гапнинг кесимлилиқ хусусияти орқали белгиланади. Бутун нутқ вазиятига ёйилган кесимлилиқ хусусияти орқали инкор ифодаси нутқ коммуникациясининг етакчи белгиси хисобланади. Гапнинг марказий қисмини ташкил этган кесим учун нутқда семантик (номинатив) коммуникатив, структуравий вазифаларни бажариши хосдир. Айнан, коммуникатив, структуравий кўрсаткичлари кесимнинг умумий инкор хусусиятларини хусусий инкор хусусиятларидан ажратиш учун замин яратади.

Шуни айтиш керакки, предикативлик, энг аввало, кесимда ўз функционал ифодасини топади. Предикативлик гапнинг етакчи белгиси хисобланиб, уни шакллантирувчи ва ахборот манбаига айлантирувчи омил воситасини ўтайди. Предикативлик – предикациянинг грамматик ифодасидир. Предикация муайян гапдаги предмет ва унинг белгиси ўртасидаги алоқани белгилайди, уни конкрет вазият билан боғлайди. Нутқда замон, модаллик, шахс категориялари предикативликнинг муҳим белгиси хисобланади. Инкор категориясининг предикатларда намоён бўлиши ўзига хос тарзда кечади. Инкор категориясининг умумий инкор тури коммуникатив-семантик жихатдан жараёнли ҳамда тавсифли предикатларда намоён бўлади. Жараёнли предикат ифодада феъл орқали намоён бўлади. Унинг турлари эса феъллар семантик турларига мувофиқ тарзда ажратилади. Умумий инкор предикатларининг кўринишлари жараёнли инкор турларининг шаклланиш тавсифини белгилайди. Холбуки, коммуникациядаги умумий инкор ифодаси учун хизмат қилувчи ҳар бир феъл семантик жихатдан жараёнли предикатнинг маълум қирраси билан боғлиқ

Масалан: Ўзбекча: 1. Ўзини кўйгани жой тополмаётир. 2. Буни охирига етолмаймиз (Олимжон Холдор. Сайланма, 10, 12- бетлар).

Русча: 1. Крополь не надеялся сильно разбогатеть. 2. Видно, что вы не знаете меня (Александр Дюма. Викант де Бражелон, стр. 36,92).

Инглизча: 1. don't care about hearts. 2. I don't want to be fooled with by a first captain (Ernest Hemingway. A farewell to arms, p. 67, 70).

Берилган мисолларда умумий инкор жараёнли предикатларда ўз аксини топган. Харакатнинг содир бўлмагани кесим орқали ифодасини топган. Жараён предикатли инкор мазмунига кўра экзистенциал, статал, локал, реляцион, акционал предикатли инкор турларига ажралади. Предикат кўринишлари умумий инкор билан узвийлашиб, жараёнли предикатив

инкор мазмунининг кирраларини белгилайди. Типологик жихатлари ўрганилаётган тилларда жараён предикатли инкор доирасида тафовутлашувчи экзистенциал, статал, локал, реляцион, акционал инкор гап пропозициясини камраб олган махсус феъллар гурухлари орқали намоён бўлади [3.17]. Ушбу инкор турлари умуминкор доирасида гап пропозициясининг кўринишларини белгилайди. Экзистенциал предикатлардаги инкор мохиятига кўра “мавжуд эмас” тушунчасини мазмунан акс эттиради. Кузатилаётган тиллар доирасида экзистенциал инкор “мавжудлашмайди”, “мавжуд эмас”, “не существует”, “do(does) not exist” каби предикатлар замирида намоён бўлади.

Қиёсланг: «Бундай доривор гиёх бизнинг ўлкамизда мавжуд «Подобные религиозные обряды не существуют у нашего «Life doesn't exist in Mars».

Экзистенциал инкор предикатлар ифодаси тилларда таянч етакчи феъллари билан бир қаторда (мавжуд эмас, не существует, do(does) not exist) шу кўринишдаги функционал кўчган феъллар ёрдамида ҳам рўёбга чиқиши мумкин. Бундай феъллар қаторига кўриш-сезиш феъллари киради. Қиёсланаётган феълларнинг барчасида ушбу феъллар гурухи универсал хусусият касб этади, чунки уларнинг таркибидаги кўриш-сезиш феъллари экзистенциал инкор маъносида қўлланиши мумкин. Қиёсланг: Ушбу ўлкаларда бу доривор гиёх мавжуд эмас —> Ушбу ўлкаларда бу доривор гиёх учрамайди —> Ушбу ўлкаларда бу доривор гиёх кузатилмайди;

Это целебное растение не существует в этих краях —> Это целебное растение не встречается в этих краях —> Это целебное растение не наблюдается в этих краях.

Кўриш-сезиш феълларидан ташқари типологик жихатдан қиёсланаётган тиллар таркибида лексик тармоқланиш (специализация) ва умумлашиш (генерализация) жараёнларига юз тутган лексик бирликлар ҳам экзистенциал инкор ифодаси учун ҳам хизмат қилиши нутқда кузатилади. Антропонимлар, фаунимлар, фитонимлар, вегеталлар ва бошқа сохаларга таалуқли феъллар лексик қатлами тармоқлашиш хусусияти касб этади. Аксинча, «мавжуд эмаслик» тушунчаси умумлашиш асосида ҳам ўз ифодасини топиши мумкин. Гарчи бир тушунча доирасида “мавжуд эмаслик” предикатнинг тармоқли ҳамда умумлашган лексемалар орқали берилиши ўзаро кутбли зидлашувга эга сўзлар горизангал боғланишини шакллантиради-ки, улар нутқда функционал вариативлик хосил қиладилар. Қиёсланг: Бизнинг ўлкаларда бананлар ўсмайди, уларни ўзга юртлардан келтирадилар —> Бизнинг ўлкаларда банан бўлмайди, уни ўзга юртлардан келтирадилар; В наших краях банана не растут, их привозят из других стран — +В наших краях бананы не бывают, их привозят из других стран; We

do not grow bananas in our country, they are brought from other countries –>One can't find banana trees in our country, so this fruit is brought from other countries.

Статик предикатли инкор холатни англатувчи феъллар орқали ифодаланган холат инкорини акс эттиради. Ухламок, мудрамок, чўзилмок, ёнбошламок, яшамок ва бошқа феъллар статик предикатли инкорни шакллантиришда иштирок этиши табиий.

Реляцион предикатли инкор субъектнинг объектга бўлган муносабатидаги мавжуд эмаслик аломатини намоён этади. Мисол: Акмалнинг синглиси йўқ. У Петра нет брата. He has no sister. Акционал предикатли инкор кўпинча субъект томонидан содир этилаётган ҳаракат объектга нисбатан рўёбга чиқмаганлигини амалга оширмаганлигини очиқ беради: Қиёсланг: Акбар хат ёзмади –»Акбар не написал письмо –>He did not write a letter.

Акционал предикатли инкор каузатив формада ҳам пайдо бўлиши мумкин. Бундай вазиятларда феъл валентлиги сони ортиб боради: У Акмалга хат ёздирмади –>He didn't have Akmal write a letter.

Тавсифли инкор субъект тавсифидаги муайян аломат қиррасининг мавжуд эмаслигини кўрсатиб беради. Инкор этилаётган тавсиф қирраси идентификатив, таснифий, таърифий хусусият касб этиши мумкин. Қиёсланг: Унинг отаси биз кутаётган лицей директори эмас экан; Сайёҳлар биз ўйлаган чанғичилар эмас эди; Ёигит сабрсиз экан: этот человек не является инженером; Этот молодой человек не оказался трусом; Он не бывает разговорчивым:

Объектив борлиқда вазият турлари билан узвийлашган инкор предикатлар нутқда умумий инкор мазмуни билан боғлиқ бир қатор гап кўринишларининг шаклланишига олиб келади. Семантик жихатдан куйидаги таснифга эга инкор гап турларини тилларда кузатиш мумкин:

1. Экзистенционал: Бундай ўсимлик тури Фарғона водийсида мавжуд эмас –>Подобный род растений не существует в Ферганской долине kind of plant doesn't exist in Fergana valley.

2. Квалификатив: У рахмдил не трус –>He is not merciful.

3. Уйғунлик ифодаловчи: Унинг отаси аграрном отец не является аграрномом –> His father is not an engineer.

4. Таснифий: Тол ва терак мевали дарахтлар эмас –>Берёза и сосна не являются фруктовыми and poplar are not fruit trees.

5. Тавсифий: У тиришқоқ эмас –>Он не добрый –>He is not assiduous . 6. Субъектсиз жараённи ифодаловчи: Ёмғир ёғмаяпти –»Дождь не is not raining.

7. Статал: У ғамгин эмас –>Он не является озабоченным –>He isn't upset.

8. Реляцион: Ахмаднинг машинаси не смирился с has no topey.

9. Локал: У бу ерда эмас – +Он не здесь – +He is not here.

10. Акционал: У маркани конвертга ёпиштира олмади – >Ему не удалось завершить эту работу.

Ушбу гап турлари умумий инкор кирраларининг тиллардаги хусусиятларини, семантик жиҳатларини очиб бериш учун коммуникацияда хизмат қилади. Мазкур гаплар воситасида умумий инкор ахборот манбаига айланади ҳамда ахборот занжирига боғланади. Хусусий инкор умумий инкордан нутқ вазиятининг муайян бўлагига таалукли эканини, алоҳида тушунча бирлиги билан боғлиқлигига кўра фарқ қилади. Нутқ истеъмолида хусусий инкор баъзан шундай таққосланишлар билан бирга кузатилади. Ахборот занжирида инкор ва тасдиқ пропозициялари муайян яхлитлик ҳосил қилиб ўзаро боғланади. Нутқда таққосланиш ифодаси учун хизмат қилувчи контекст, яъни ифода воситалари аниқлаштирувчи, ойдинлаштирувчи омил хисобланади.

### ФҲЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Дж.Буранов. Сравнительная типология английского и тюркских языков. Москва “Высшая школа” 1983;
2. В.Г.Гак. Сравнительная типология французского и русского языков. Москва “Просвещение” 1989
3. С.Рахимов. Вопросы структурно-типологической характеристики предложения. Ташкент 1978;
4. А.В.Бондарко. Грамматическое значения и смысл. Л., 1978;
5. В.В.Виноградов. Русский язык. Москва «Высшая 1986; Русская грамматика. II том. Москва 1982;